Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

4 январь 1972 йил, сешанба ◆ № 2 (15. 173). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ УЧУН

Коммунистик асримизнинг олтин зарварақларидан яна бир янги саҳифаси очилди. Янги, 1972 йил бошланди. Ҳаммамизга қадрдон бўлиб қолган, бутун халқимизга, ҳар бир хонадонимизга янги-янги қувончлар, катта-катта муваффақиятлар ато қилган 1971 йил энди тарих бўлиб қолди. Янги йилнинг шу дастлабки кунларида ўтган йилнинг унутилмас ва азиз бўлиб қолган барча воқеаларини мамнуният билан эсга олиб, босиб ўтган йўлимизни, қўлга киритган зафарларни фикран хаёлдан ўтказамиз.

Ҳақиқатан ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг совет халқига янги йил табригида таъкидлаганидек, «1971 йил — ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг коммунистик равнақи, совет халқининг фаровонлиги ва бахт-саодати йўлидаги равшан режаларни белгилаб берган КПСС XXIV съезди йили бўлди.. 1971 йил мамлакатимизнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг халқаро позициялари ва обрў-эътибори янада мустаҳкамланган йил бўлди. Бу йил Совет давлатининг КПСС XXIV съезди қабул қилган тинчлик программасини амалга ошириш йўлида актив ташқи сиёсат олиб борган йил бўлди».

Ўтган йил республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили планларини муваффақиятли бажариш билан якунланди. Республикамиз меҳнаткашлари XXIV съезд қарорларини амалга ошира бориб, экономика, фан, маданият ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришда, халқ турмушнинг моддий даражасини оширишда катта муваффақиятларга эришдилар.

Беш йиллик биринчи йили учун белгиланган давлат плани топшириқлари саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш бўйича муддатидан 12 кун илгари, 19 декабрдаёқ бажарилди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам катта зафар қучдилар. Ваъдага вафодор пахтакорларимиз бўлтур давлатга 4 миллион 510 минг тонна ёки пландагидан 560 минг тонна кўп пахта етказиб бердилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам эришилган муваффақиятлар қувонарлидир.

Биз янги, 1972 йилни ана шундай меҳнат зафарлари билан кутиб олдик. Совет халқи янги йилга метиндек жипслашган, ижодий куч-ғайрат ва улкан режаларга тўлиб-тошган ҳолда қадам қўйди. Янги йил ҳам ўзига хос ажойиб воқеаларга бой бўлади. Бу йил биз буюк Ватанимиз тарихидаги унутилмас воқеани — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган кунининг эллик йиллигини нишонлаймиз. Бугунги кунда ҳаммамиз комил ишонч билан шуни айтамизки, Совет Социалистик Республикаларининг синалган кўп миллатли дўстона иттифоқи ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамдир, партия билан халқ бирлиги енгилмасдир. Биз ўз тузумимизнинг буюк муваффақиятларига ва битмас-туганмас имкониятларига таяниб, буюк мақсадлар ва равшан ҳаракат программаси билан қуролланганмиз. Шунинг учун ҳам КПСС XXIV съезди кўрсатиб берган нурли йўлдан янги зафарлар сари олға боришга астойдил азму-қарор қилганмиз.

Янги йилдаги вазифалар ўз кўлами жиҳатидан ниҳоятда катта. Янги йилнинг илҳомбахш режалари КПСС Марказий Комитетининг 1971 йил ноябрь Пленуми ҳамда СССР Олий Советининг учинчи сессиясида аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Республика Олий Советининг ўтган йил охирларида бўлиб ўтган иккинчи сессияси Узбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўққизинчи беш йиллик плани, шу жумладан 1972 йилги давлат планини тасдиқлади. Янги йилда республикамиз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилади. Бу йилги вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши умуман беш йиллик вазифаларини адо этишда муҳим омил бўлади.

Янги йилдаги вазифаларнинг нақадар катталигини шундан ҳам билса бўладики, саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўтган йилдагидан 6,6 процент кўп бўлади. Мамлакат бўйича ҳар куни ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ўртача ҳажми бултурги худди шу кўрсаткичдан 7.9 процент кўп бўлса, республикамизда 8,8 процент ортиқ бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳар йилгидан ҳам кўпайиб, экономикамизнинг бу муҳим тармоғига 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланади.

Ҳар йилгиден бу йил ҳам қаҳрамон ишчилар синфи ўзининг иттифоқдош биродарига — деҳқонларга кўп миқдорда минерал ўғит, машина ва механизмлар етказиб беради. Бу йил республикамиз қишлоқ хўжалиги салкам 3,5 миллион тонна минерал ўғит, 15,6 мингта трактор, қариб 2600 донэ экскаватор, бульдозер ва скрепер, 15,6 мингта трактор прицеплари ва бошқа қудратли техника олади.

Беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши жамиятимизнинг коммунизм сари боришида, янги жамиятнинг моддий-техника базасини яратишда, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим босқич экан, вазифа — ишчилар синфи, азамат деҳқонларимиз, меҳнаткаш интеллигенция ва бутун меҳнат аҳлини ана шу улкан вазифаларни бажаришга сафарбар этишдан иборат.

Бизнинг режаларимиз нақадар катта ва улуғвор бўлмасин, улар реал режалардир. Беш йилликнинг иккинчи йилини, СССР ташкил топган кунинг 50 йиллиги нишонладиган йилни ҳам яратувчилик ва илҳомбахш меҳнатимизнинг зафарли йили сифатида нишонлашучун ҳамма имкониятлар бор. Бунинг учун аввало меҳнаткашларнинг ижодий куч-ғайратини шу вазифаларни бажаришга сафарбар этиш, хўжаликка раҳбарликни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарур.

Янги йил арафасида Москва меҳнаткашларининг 1970 йилга олган социалистик мажбуриятлари эълон қилинган эди. Бугун эса Ленинград меҳнаткашларининг ибратли ишлари босилмоқда. Бу ватанпарварлик ташаббусларининг издошлари бизнинг республикамизда ҳам кенг қўллаб-қувватланишига шубҳа қилмаса бўлади. Партия ташкилотлари кенг меҳнаткашлар оммасининг ғайрат ва ташаббусини йил бошиданоқ план топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга, корхоналарнинг бир меъёрда ишлашига сафарбар этишлари даркор.

Маълумки ,халқ хўжалик планларининг бажарилиши меҳнат аҳлига—уларнинг ишчанлиги, ички резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланишига боғлиқ. Ташкилотчилик ва сиёсий-оммавий ишлари олиб боришда масаланинг худди мана шу томонига алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда шуни эсда тутиш керакки, экономикамиз юксалгани, меҳнат унумдорлиги оша боргани сари халқнинг моддий турмуш фаровонлиги юксалаверади.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЯНГИ ЙИЛДАГИ ДАСТЛАБКИ ЗАФАРЛАР

Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасининг машинисти З. Следкова тўққизинчи беш йиллигининг дастлабки йили планини муддатидан олдин бажарган эди. Яқинда коммунистик меҳнат зарбдори унвонини олишга сазовор бўлган ишчи шу кунларда йилнинг апрель ойи ҳисобига ишламоқда.

А. Кузьменко фотоси, (ЎзТАГ).

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхозда ремонт ишлари қизғин боряпти. Колхоз механизаторлари бугунги ишни эртага қўймасдан техникани сифатли ремонт қилмоқдалар. Суратда: звено бошлиғи А. Керсадаков ва бош инженер Э. Тожибоев ўртоқлар ремонт сифатини кўздан кечираётирлар.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ).

ШАҲДАМ ОДИМ БИЛАН

Беш йиллиннинг иккинчи йилини муваффақиятли бошлаган Тошкентдаги «Учқун» тикувчилик фирмаси коллективи юксак марраларни кўзлаб ишламоқда. Фирма коллективи янги йилда турмушимиз учун зарур бўлган буюмларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришди.

Янги йилни меҳнат вахтасида кутиб олган тикувчилар беш йиллик иккинчи йилнинг дастлабки кунидаёқ 50 минг сўмлиндан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Барча цехларнинг чеварлари дастлабки кунданоқ юксак унум билан ишладилар. Беш йиллики муддатидан илгари адо этишга бел боғлаган ишчилардан З. Собирова, Г. Камолиддинова, А. Веннинова, И. Розиқулова каби ўнлаб ўртоқлар кунлик топшириқни ошириб адо этдилар. Корхонада юздан ортиқ ана шундай пешқадам ишчилар шу кунларда келгуси ойлар ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

Фирма чеварларн ишни КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида олиб бориш режаларини тузишган. Шу кунларда мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Коммунистик меҳнат коллективлари номини олиш учун кураш кучаймоқда. Табиийки, мусобақа жўш урган жойда меҳнат унумдорлиги ҳам, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Шу сабабдан ишчилар ўртасида «Энг яхши чевар» номини олиш учун конкурслар уюштирилмоқда. «Бугун ким пешқадам»? деган кўргазмалар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирлар шубҳасиз, коллективнинг беш йиллик топширигини барвақт адо этишига катта ёрдам беради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

СССР УРМОН ВА ЁҒОЧСОЗЛИК САНОАТИ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ МОСКВА (ПОДРЕЗКОВО) ЁҒОЧ ҚИРИНДИ ПЛИТА ВА ДЕТАЛЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛИГИНИНГ КОЛЛЕКТИВНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЧКИ РЕЗЕРВЛАРИНИ ИЗЛАБ ТОПИШГА САФАРБАР ЭТИШ СОҲАСИДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети қабул қилинган қарорда мавжуд корхоналарда маҳсулотни энг кўп ўстирилишига эришиш тўғрисида партиянинг XXIV съезда қўйилган вазифаларни ҳал этишда Москва ёғоч қиринди плита ва деталлар экспериментал заводи коллективининг иш тажрибаси эътиборга ва оммалаштиришга сазовордир, деб уқтирди.

Завод коллективи ўтган беш йилликда машина-ускуналарни такомиллаштириш ҳамда илғор технологияни жорий этиш йўли билан мавжуд ишлаб чиқариш саҳнининг ўзида плита ишлаб чиқаришни йилига 25 минг куб метрдан 64 минг куб метргача, маҳсулот реализация қилиш ҳажмини 2,6 баравар кўпайтирди, меҳнат унумдорлиги эса 2 баравар ошди. 1971 йилги план муддатидан илгари — 7 декабрда бажарилди, бултурги даражага нисбатан ўсиш 12,3 процентни ташкил этди.

Қарорда таъкидланадики, корхонанинг юксак ривожланиш суръатларига партия ташкилоти ва хўжалик раҳбарлиги ижодий иши, ишлаб чиқаришни доимо такомиллаштириб боришга интилиш, резерварлани излаб топиб, улардан фойдаланиш туфайли эришилди. Завод партия бюроси техникавий тараққиёт, иқтисод қилиш, тежамкорлик ва маҳсулот сифати масалаларини доимо назорат қилиб туради. Заводнинг техника хизматлари малакали ва ташаббускор мутахассислар билан мустаҳкамланган. Социалистик мусобақани ташкил этишга, ҳар бир ишчининг меҳнатини тўғри баҳолашга, маънавий ва моддий рағбатлантириш воситаларини қўллашга катта эътибор берилмоқда.

Завод корхонани ўхтатиб қўймаган ва марказлашган капитал маблағларни жалб қилмаган ҳолда ўзининг кучлари билан реконструкциялашга доир ишлар комплексини бажарди ва бунинг оқибатида ёғоч қиринди плита ишлаб чиқариш юзасидан лойиҳада белгиланган қувватни уч баравар ошириш ва айни маҳалда ишловчилар сонини қисқартириш мумкин бўлди. 1971—1975 йилги техникавий ва социал тараққиёт плани тузилди. Бу планда ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш, маиший шароитлари ва ҳордиқ чиқаришларини яхшилаш кўзда тутилади. 1975 йилга бориб плита ишлаб чиқариш 80-85 минг кубметрга боради, сифати эса анча яхшиланади.

Завод коллективи шу хилдаги корхоналарга катта техникавий ёрдам кўрсатмоқда. Лойиҳа-конструкторлик бюроси ишлаб чиққан хужжатларга биноан, СССР Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлигига қарашли 23 та корхона модернизация қилинди. Бу иш шу йилнинг ўзидаёқ қўшимча 400 минг куб метр ёғоч қиринди плита олишга имкон берди.

КПСС Марказий Комитети Москва ёғоч қиринди плита ва деталлар экспериментал заводи партия ташкилоти ва хўжалик раҳбарлигининг коллективни ишлаб чиқариш ички резервларини излаб топишга сафарбар этиш ва шунинг асосида мавжуд ишлаб чиқариш саҳнининг ўзида корхонанинг лойиҳада кўрсатилган қувватини уч баравар ошириш борасидаги иш тажрибасини маъқуллади.

СССР Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлигига станоксозлик ва инструментал саноат министрлиги билан биргаликда Москва ёғоч қиринди плита ва деталлар экспериментал заводининг тажрибасидан фойдаланиб 1972—1974 йилларда ёғоч қиринди плиталар ишлаб чиқарувчи ҳамма заводларда машина-ускуналарни модернизациялаш ва алмаштириш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, айни маҳалда шу заводларда плита ишлаб чиқаришни йилига 1,8-2 миллион куб метрга қадар кўпайтиришни таъминлаш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига ,ўлка ва область партия комитетларига Ўрмон ва ёғочсозлик саноати корхоналарининг коллективларида Москва ёғоч қиринди плита ва деталлар экспериментал заводи партия ташкилотининг тажрибасини кенг қўламда оммалаштириш юзасидан зарур ташкилотчилик ишларини ўтказишлари кераклиги тавсия этилди.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЧИЛИДА

САНТЬЯГО, 3 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бошчилигида Чили Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Чилига келган КПСС делегацияси мамлакатнинг энг йирик саноат марказларидан бири — Вальпараисо шаҳрини бориб кўрди.

Бу шаҳар ўзининг революцион анъаналари билан шуҳрат қозонди. Бу ерда Коммунистик партиянинг энг жанговар ва актив ташкилоти иш кўрмоқда.

Вальпараисо — Чили меҳнаткашлари партиясининг асосчиси Луис Эмилио Рекабаррен туғилиб ўсган шаҳардир.

КПСС делегацияси портни кўздан кечирди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди, гавжум ярмаркани бориб кўрди. Шаҳар аҳолиси Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни самимий табриклаб кутиб олди.

Муниципалитет биносида КПСС делегациясининг аъзолари шаҳар маъмурларининг вакиллари билан дўстона учрашди.

Делегация бошлиғи А. П. Кириленко Совет Иттифоқи Коммунистик партияси номидан, барча совет кишилари номидан Чили халқига салом ва табриклар топширди.

«Биз Рекабаррен туғилиб ўсган юртда, шонли революцион анъаналарга эга бўлган шаҳарда турибмиз, — деди КПСС делегациясининг бошлиғи, — бу шаҳар аҳолиси Чили — Совет дўстлигини мустаҳкамлашучун кўп иш қилмоқда».

Делегация бошлиғи ҳозир бўлган кишиларнинг гулдурос қарсаклари остида район партия ташкилотининг секретари Гаспар Диас билан Вальпараисо шаҳрининг мэри Серхио Вусковичга В. И. Ленин бюстини топширди.

Чили Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси С. Вускович совга учун қизғин миннатдорчилик билдирди ва Ленин ғоялари халқ манфаатлари учун курашда Чили коммунистлари учун йўлчи юлдуз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деди.

Учрашувда социалистик партия маҳаллий партия ташкилотининг вакили Андрес Сепульведа нутқ сўзлади. У бир группа муниципал маслаҳатчилар социалистик партия вакиллари номидан КПСС делегациясига мис тахтага ишланган гравюрани тортиқ қилди.

«Бу камтарона совга, — деди Сепульведа. — эндиликда халқ мулки бўлиб қолган миллий бойлигимиз— мисдан ясалгаилиги учун ҳам рамзий туҳфадир».

ВЬЕТНАМДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг аҳоли яшайдиган пунктларини вақшиёна бомбардимон қилиётганлиги Узбекистон пойтахти меҳнаткашларини қаттиқ ғазаблантирди. Ишчи ва хизматчилар, фан ва маданият арбоблари, ўқувчилар интервенциячиларни лаънаталамоқдалар, Вьетнам халқи билан бирдам эканликларини айтмоқдалар.

«Таштекстильмаш» заводида ўтказилган суҳбатда экспериментал цех слесари И. Г. Шавердов ўртоқларига бундай деди:

— Ана шу янги агрессия ҳаракатлари муносабати билан Совет ҳукумати берган баёнотда барча совет кишиларининг хоҳиш-иродаси ифода этилган. Тинч аҳоли бошига ажал уруғини сочаётган Америка ҳарбийларининг қўпол ҳаракатларидан биз қаттиқ ғазабландик. Биз зўр қатъият билан: Вьетнамдан қўлингни торт! — деб хитоб қиламиз.

«Таштекстильмаш» заводининг инженери Б. А. Саядов ВДР территорияси бомбардимон қилинаётганлиги тўғрисида газеталарда босилган хабарларни ўқиб чиқиб, АҚШ ҳукумати халқаро ҳуқуқ нормаларини андишасизларча бузмоқда, деди.

— Америка ҳарбийларининг вақшиёна ҳужумлари ер юзида тинчлик ва тараққиёт учун бир ёқадан бош чиқариб кураш олиб бораётган эрксевар кишиларга дағдаға қилишдан бошқа нарса эмас, — деди у. — Ленин шу нарса мутлақо равшанки, агрессорларнинг жиноий планлари албатта барбод этиладн. Империалистлар Вьетнам халқининг ғалабага бўлган иродасини бука олмайдилар. Бизнинг мамлакатимиз империалистни босқинчилардан ўзини ҳимоя қилишда ВДРга амалий ёрдам бериб нелаётганлиги ва бундан буён ҳам ёрдам беравериши билан фахрланамиз.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР МАЖБУРИЯТИ

Ленинград шаҳри ва Ленинград области меҳнаткашлари намояндаларининг йиғилишида 1972 йил плани ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Ленинград шаҳри ва Ленинград областининг меҳнаткашлари 1971 йил учун қабул қилган мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар. Партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми карорлари туфайли вужудга келган сиёсий активлик ва ижодий ғайратни ҳар жихатдан кучайтириб корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари 1972 йил плани ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирдилар.

Ленинградликлар ўз шаҳри ва областининг иқтисодий ва социал ривожланиш комплекс планини тузиб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга қатъий аҳд қилдилар.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини янада мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат шароитларини, ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш ва кадрлар малакасини оширишни назарда тутган коллективларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш комплекс планларини амалга ошириш негизида Ленинград шаҳри ва областининг меҳнаткашлари саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича беш йиллик плани муддатидан илгари —1975 йил 5 декабрда бажаришга, пландан ташқари неча юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга, шаҳар ва область саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини оширишга ҳисобидан эришишга ва беш йиллиқнинг шу борадаги кўрсаткичи топширигини тўрт ярим йилда бажаришга қарор қилди. Энергетика, қора ва рангли металлургия, кон ва химия саноатига ҳамда халқ хўжалигининг бошқа энг муҳим тармоқларига асбоб-ускуналар етказиб берувчи корхоналарда ишлаб чиқаришни тез суръатлаб билан ўстириш таъминланади.

Ленинградликлар ССР Иттифоқи 50 йиллигини маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмлар тайёрлаш юзасидан 1972 йил планини муддатидан илгари 25 декабрда бажариш билан, саноатда меҳнат унумдорлигини ўстириш топширигини 30 процент ошириб бажариш билан нишонлашга қарор қилдилар.

Узининг техникавий даражаси ва сифати жиҳатидан жаҳонда эришилган муваффақиятларга тенг маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш миқёсларини кенгайтириш ва суръатларини кучайтириш белгиланди.

Ленинградликлар 1972 йил планини, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиладилар ва КПСС XXIV съезди томонидан белгиланган улуғвор вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, дейилади мажбуриятда.

(ТАСС).

УМУМХАЛҚ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШИДА

ҲИММАТ КАМАРИНИ БОҒЛАГАНЛАР

Ўтмишда майда ҳунармандчилик ўлкаси бўлган Бухоронинг бугунги индустриал қиёфасига боқиб тўймайсан. Ҳар қадамда улкан саноат корхоналари. Уларда халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. КПСС XXIV съездининг янги беш йиллик план Директиваларидаги **«Бухоро ип-газлама комбинати ишга туширилсин»** деб ёзилган илҳомбахш сўзлар областимиз меҳнаткашлари қалбини фахрланиш ҳис-туйғуларига тўлдириб юборди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети комбинат қурилишини умумхалқ қурилиши деб эълон қилдилар. Бу ҳақда қабул қилинган қарор қурувчи-монтажчилар учун муҳим дастуруламал бўлмоқда. Республикамиз тўқимачилик саноатининг бу гигантини қуриб битказиш натижасида Бухоронинг шуҳратига шуҳрат қўшилади. Меҳнаткашларнинг ип-газламага бўлган эҳтиёжи янада тўлароқ қондирилади. Шу боисдан ҳозир барча имкониятлар ана шу вазифани тезроқ бажаришга сафарбар қилинган.

Улкан иншоотнинг 60 минг урчуғи бўлган биринчи йигирув-тўқув корхоналари 1972 йилнинг охирларигача фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Бунинг учун қарийб 25 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилади. Шаҳар ана шундай кенг қурилиш қўлами билан биринчи марта дуч келяпти. Янги комбинатда ишлайдиган меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ҳисобига Бухоро шаҳри аҳолисининг сони яна 30 минг кишига кўпаяди.

Шаҳар партия ташкилоти бу муҳим вазифани муваффақиятли бажариш учун биринчи кунларданоқ қурувчиларга яқиндан ва амалий ёрдам бермоқда. Асосий пудратчи ташкилот ҳисобланган 163-қурилиш трестининг ишлаб чиқариш базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Бу ташкилотда 350 коммунист бор. Трестда партия комитети ишлаб чиқариш билан алоқадор бўлган масалаларни ўз вақтида, принципиаллик билан ҳал қилмоқда.

Мавжуд ишчи кучи ва техника воситаларидан оқилона фойдаланаётган 987-қурилиш бошқармаси коллективи, айниқса юксак меҳнат натижаларига эришмоқда. Бу коллективнинг ўғуртмаларини бажараётган «Югипроммонтаж» участкаси ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари Хархўр—Бешариқ — Бухоро водоводини жадал суръатлар билан қурмоқдалар.

Қурилиш ҳавозалари чинакам мардлар майдонига айланган. Бу ерда ишлаётганларнинг кўпчилиги комсомол-ёшлар. Улар мусобақа байроғини баланд кўтариб, меҳнат қучоғида тобланмоқдалар. Коммунистлардан Л. Чеботаев, Б. Николаев ўртоқлар бошчилигидаги монтажчилар бригадаларининг қалби олов азаматлари ишда илғор усулларни қўллаб, смена топшириқларини муттасил ошириб бажаряптилар. Ишнинг юқори сифатда бўлишини таъминлаяптилар. Кўтарма кранларнинг машинистлари Александр Коробов, Рустам Эгамов, электр пайвандчилар Николай Вишняков, Михаил Давлатов, шоферлардан Жамол Кенжаев, Сафар Пўлатов, Иван Бодров ва бошқа кўплаб меҳнатсевар йигитлар ўзларининг ҳалол меҳнати, касбига бўлган меҳри билан бинокорлар ўртасида ҳурмат қозонганлар.

Коммунистлар марказий ремонт устахоналари, ҳунар-техника билим юрти, ёрдамчи хўжаликлар, янги уй-жойлар қурилишида ҳам шахсий ибрат кўрсатмоқдалар. Монтаж ишларида навоийликлар тўплаган илғор тажриба — конвейер усули жорий қилинмоқда. Бу усулнинг қўлланилиши натижасида монтаж ишлари унумдорлиги икки баравар кўпайди. Қурилиш суръатлари кескин жадаллашди.

Ҳар бир ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам шаҳар партия ташкилоти қурилишни мутахассис кадрлар билан етарли таъминлашга алоҳида эътибор бериб, зарур чора-тадбирларни кўряпти. Шу мақсадда 200 дан ортиқ ёшлар иккинчи қурилиш бошқармасига касб ўрганиш учун жўнатилди. Шаҳардаги кўпгина саноат корхоналарининг бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари кўплаб йигит-қизларини Тошкент тўқимачилик комбинатига ўқишга жўнатдилар. Улар бир йилдан кейин яхшигина ҳунар ўрганиб қайтадилар ва унгача қуриб битказилган ип-газлама комбинатининг биринчи навбат корхоналарида ишлай бошлайдилар.

Бироқ, ишда анчагина салбий жиҳатлар ҳам бор. Айрим ҳолларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифати талабга жавоб бермайди. Механизмлар, асбоб-ускуналарнинг бекор туриб қолиш ҳоллари юз бермоқда. Қурилиш техникасининг етарли бўлишига қарамай, ҳанузгача иш икки сменада ташкил қилинмаган. Бунинг устига лойиҳалаш ташкилотлари ваъдаларини тўла бажармаяптилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Бухоро ип-газлама комбинати қурилишини тезлатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Востокгипрогаз» ва «Ўзгипрогаз» институтларининг филиаллари Когондаги газ тақсимлаш станциясини реконструкциялаш ва Когон—Бухоро саноат узели газопроводини қуриш бўйича тегишли лойиҳаларни ҳанузгача тайёрламади. Ҳолбуки, комбинатни газ билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган муҳим масаладир.

Биринчи йигирув-тўқув фабрикаси кўпгина участкаларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам шу пайтгача тахт эмас. 94-автобаза, 985-УНР комбинат қурилишида кенг ҳажмдаги ишларни амалга оширишлари керак. Бироқ, бу иккала ташкилот мавжуд имкониятдан қониқарсиз фойдаланмоқдалар. Йўл ва инженерлик коммуникацияси қурилиши суръати паст. Автомашина ва механизмлардан фойдаланиш ҳам дуруст йўлга қўйилмаган.

Комбинат қурилишида қатнашаётган меҳнат аҳлининг маданий-маиший эҳтиёжларини тўла қондириш, уларга қулай иш шароити яратиб бериш шаҳар партия ташкилотларининг шарафли бурчи ҳисобланади. Қурилишда ташкил қилинган ошхона, маиший хизмат ўчоқлари бинокорлар талабини тўла-тўкис қондиришга имкон бермаётир. Савдо, маданият ва маиший хизмат корхона ҳамда муассасалари ўзларининг бутун фаолиятларини умумхалқ қурилиши бўлган Бухоро ип-газлама комбинати объектига қаратмоқлари зарур.

Беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаган қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективларида ижодий меҳнат мусобақаси тобора авж олмоқда. Уларнинг мақсади беш йилликнинг бу гигантини белгиланган муддатдан олдинроқ фойдаланишга топширишдан иборатдир. Ҳозир ана шу олижаноб ниятга эришиш учун барча қурувчи-монтажчилар ҳиммат камарини маҳкам боғлашган.

У. КАМОЛОВ,
Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, ип-газлама комбинати қурилиши штаби бошлиғи.

ПРОПАГАНДАНИНГ ЮКСАК САВИЯСИ УЧУН

Республика «Билим» жамиятининг Тошкентда бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети учинчи сессияси қарорларини пропаганда қилиш соҳасида шу жамият ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Қабул қилинган қарорда Коммунистик партия, Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини, гўққизинчи беш йиллик планини тушунтириш юзасидан кенг тадбирлар белгиланган. Бунинг учун пропаганданинг хилма-хил форма ва методларидан фойдаланилади. Малакали лекторларнинг группалари барча областларга юборилади. Брошюралар, туркум лекциялар, методик ва справка материалларини нашр этиш кўзда тутилади.

КПСС XXIV съезди қарорларини меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилишни яхшилаш соҳасида жамиятнинг район ва бошланғич ташкилотлари ролини ошириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Пленум Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг VII съездини 1972 йил май ойида чақиришга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

РАЖАБ Қораев «Каршистрой»га қарашли устахонада фрезерчи бўлиб ишлайди. У ҳозир Қарши чўлини ўзлаштириш учун энг зарур маҳсулотлардан бири Қарши магистраль канали учун трубопроводлар тайёрлашда ишламоқда. Қораев кундалик топшириқни 140—150 процентга етказиб адо этаётир.

В. Сироткин фотоси.

ФАРҒОНА пилла ишлаш фабрикасида рационализаторлар сафи ўсиб бормоқда. Улар барча юмушларни тўла-тўкис машиналар зиммасига юклаш, қўл билан қилинадиган ишларни механизациялаштиришни кўзлаган янги-янги таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этмоқдалар. Натижада корхона ўтган йилнинг ўзида 70 минг сўмга яқин фойда кўрди. Суратда: фабрика рационализаторларидан Э. Шиц ва А. Дадаев ўртоқлар.

Г. Бойко фотоси.

(ЎзТАГ).

НУРАФШОН ЎЛКА

Республикамизда электр энергия ишлаб чиқариш мисли кўрилмаган суръатлар билан ортиб бормоқда. Доҳиймиз В. И. Ленининнинг бевосита бошчилиги ва ғамхўрлиги билан тузилган ГОЭЛРО плани бўйича Тошкентда 1926 йил май ойида қуриб ишга туширилган Бўзсув электр станциясининг қуввати бор-йўғи 2 минг киловатт бўлган экан. Энди биз қураётган электр станцияларнинг қуввати минг, миллионлаб киловатт билан ўлчанади. 1913 йили Туркистонда аҳоли жон бошига бир киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлса, энди Ўзбекистонда ҳар бир киши ҳисобига ишлаб чиқарилаётган электр энергия салкам 2 минг киловатт-соатга етди.

Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йили энергетикамиз тараққиётида ўзига хос босқич бўлди. Бу йилда янги-янги электр станциялар ишга тушди, юқори кучланишли электр узатиш линиялари қурилиб битди. Бу воқеалардан энг қувончлиси Осиёда энг йирик иссиклик электр станцияларидан бири бўлган Тошкент ГРЭСи 12-агрегатнинг республикамиз ягона энергетика системасига уланиши бўлди. Станциянинг сўнгги агрегати ишга тушиши билан унинг қуввати лойиҳада кўрсатилган 1 миллион 920 минг киловаттга етди. Бинокорларимиз Чирчиқ ва Чоткол дарёларида қуриладиган йирик электр станцияларнинг бири бўладиган Чорвоқ ГЭСи қурилишини ҳам жадал олиб бордилар. Ҳозиргача унинг жами 450 минг киловатт қувватга эга бўлган агрегатлари қурилиб битди.

Республикамиз энергетикларининг ўтган йили тайёрлаган энг катта совғаси Ўзбекистондаги барча қишлоқ хонадонларининг тўла-тўкис электрлаштирилиши бўлди. Илгари Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасидан ташқари барча областлар тўла-тўкис электрлаштирилган эди. Ҳозир ана шу областлар ва автоном республикадаги қишлоқ хонадонларини ҳам электрлаштириш тугаллангани ҳақида ғалаба рапортига имзо чекилиш арафасида турибмиз.

Партиямизнинг XXIV съезди Директиволарида бутун мамлакатимиз қатори Ўзбекистонда ҳам жуда катта ҳажмда қурилиш ишлари қилиниши белгиланди. Унда шаҳардаги саноат корхоналари билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида ҳам асосий юмушларни машиналар зиммасига юклаш вазифаси қўйилди. 1975 йилгача Аму—Бухоро машина каналининг иккинчи навбати, Карши магистрал канали асосан қуриб битказилиши лозим. Шеробод насос станцияси тўла қувват билан ишга тушади. Тошкент — Хўжакент ва Тошкент — Сирдарё маршрутларни бўйлаб электр поездлари юра бошлайди. Тошкентда қурила бошланган метронинг дастлабки станциялари ишга тушади. Хонадонларда электр энергиясидан фойдаланиш анча кўпаяди.

Буларнинг ҳаммаси янги электр станциялар қуришда ҳисобга олинмоқда. 1970 йилда республикамизда аҳоли жон бошига 1514 киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлса, 1975 йилга бориб бу миқдор 2310 киловатт-соатга етади. Ана шу вазифани муваффақиятли бажариш учун қилинадиган энг катта иш Осиё қитъасида энг йирик бўладиган Сирдарё ГРЭСининг биринчи агрегатини ишга туширишдир. Келгусида республика энергетика системасининг марказига айланадиган бу электр станция қурилишида бутун мамлакатимиз қатнашаётир. Электр станция қурилиши учун керак бўладиган машина ва ускуналарни Иттифоқимиздаги кўпгина корхоналар етказиб бермоқда. 1971 йилда айниқса Сирдарё ГРЭСининг бош корпуси, буғ қозони, мазут хўжалиги қурилиши қизғин борди. Ишнинг кетиши Сирдарё ГРЭСининг 300 минг киловатт қувватга эга бўладиган биринчи блоки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг шу станция қурилиши ҳақида қабул қилган қарорида белгиланган муддатда, яъни 1972 йилда фойдаланишга топширилиши учун ҳамма имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди.

Бу беш йилликда тарих бўлиб қоладиган ишлардан яна бири Таҳиатош ГРЭСининг юз минг киловатт қувватли сўнгги энергетика блокини ишга туширишдир. Бу электр станция қувватини лойиҳадаги даражага етказиш, Навоий ГРЭСининг қуввати 50 минг киловаттли сўнгги агрегатини ўрнатиш билан бу станция қурилишини ҳам тамомлаш бўлади. Шунингдек кейинги йилларда Чорвоқ ГЭСининг тўртинчи агрегати ҳам ишга тушади. 1975 йилгача Андижон ва Хўжакент ГЭСлари қурилиши бошланиб, дастлабки агрегатларини фойдаланишга топшириш ҳам планга киритилган. Умуман 1971 йилдан 1975 йилгача республикамиз электр станцияларида ишга солинадиган блокларнинг жами қуввати 1 миллион 625 минг киловатт бўлади.

Энергетика системасида юқори кучланишли электр узатиш линиялари қуриш, бошқаришнинг автоматлашган системасига ўтиш катта янгилик бўлмоқда. Ўтган беш йилликда бу соҳада дастлаб тўғриғ ишлар қилинган эди. Ҳадемай Қирғизистондаги Тўхтағул ГЭСи ва Тожикистондаги Нурек ГЭСидан Андижон ва Ғузорга ана шундай юқори кучланишли электр узатиш линиялари ва подстанциялар қурилади. Энергетика системасида бошқарув ишларини олиб боришда электрон-ҳисоблаш техникасининг энг такомиллашган воситаларидан фойдаланиш галдаги вазифа бўлиб турибди. Республикамиздаги 23 та гидростанциянинг ҳамма генераторлари автоматик равишда бошқарилмоқда. Иссиқлик электр станцияларининг асосий технологик жараёнларини автоматлаштириш даражаси эса 90 процентга етди.

Энергетикамиз тараққиёти ойдин йўлдан бормоқда. Ўзбекистон энергетиклари мавжуд ресурсларни ўзлаштира бориб, уни халқ хўжалигини жадал ривожлантиришга хизмат қилдириш вазифасини тўла-тўкис адо этмоқдалар. Эндиликда энергетикамиз тараққиёти халқ хўжалигимиз тараққиёти билан қадамба-қадам бораётир. Бунда кўп минг кишилик нурчиларимизнинг улкан ҳиссалари бор.

Е. ШАБАЛИН,
Ўзбекистон ССР Давлат план комитети энергетика ва ёқилғи саноати бўлими бошлиғининг ўринбосари.

СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ

«Ўзбекистон» нашриётида Совет Иттифоқининг 50 йиллигига бағишланган совет халқлари қардош оиласида республикамизнинг эришган муваффақиятлари тўғрисида, социалистик Ватанни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшаётган ҳиссаси тўғрисида ҳикоя қилувчи китоблар нашр қилинмоқда. Бу китобларни тарихчилар, экономистлар, партия ва совет ходимлари ёзган.

А. Аъзамхўжаев билан Ш. Уразаевнинг «СССР — Совет халқларининг озод социалистик давлати» номли асари босмага берилди. Б. Лунининг «Улуғ дўстлик манбалари» номли китоби рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги тарихий алоқаларга бағишланган. Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаевнинг китоби экономика ва маданиятни ривожлантиришда мамлакатимиз халқларининг бир-бирига бераётган қардошларча ёрдами тўғрисида, республикада ленинча миллий сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги ва тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболи тўғрисида ҳикоя қилади. Республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар жиҳатдан ривожлантириш учун партия ва ҳукуматнинг оталарча меҳрибонлигини кўрсатувчи энг муҳим ҳужжатлар тўплами жамоат ва шахсий кутубхоналарни бойитади. Ўзбекистонда пахтачиликнинг ўсиши тўғрисидаги материаллар тўплами китоб жовонларини безатади.

Китобхонларни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлаш учун кўп хизмат қилган таниқли сиёсий ва давлат арбоблари билан таништиради. Ган китоблар нашриёт планига киритилди. Булар орасида Файзулла Хўжаев билан Акмал Икромовнинг таржимаи ҳоли бор. Совет ҳукумати йиллари мобайнида қад кўтарган янги шаҳарлар тўғрисида, Улуғ Ватан уруши фронтларида Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган Ўзбекистоннинг қаҳрамонлари тўғрисида брошюралар тайёрланмоқда. СССРнинг юбилейига бағишлаб тематик плакатлар чиқарилади.

(ЎзТАГ).

ТАШАББУСКОРЛИК САМАРАСИ

СОВЕТ ХОДИМИ МИНБАРИ

Хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда маҳаллий Советларнинг роли ошиб боряпти. Партия ва ҳукумат қарорларининг оғишмай бажарилишини назорат қилиб туриш, халқ фаровонлигини юксалтиришга амалий таъсир ўтказиш аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари қизғин фаолият ва ташаббус кўрсатаётирлар.

Қишлоқ Совети депутатлари ва доимий комиссияларининг иш кейинги даврда янада активлашди, кенг қиррали бўлиб қолди. Қишлоқ Совети сессияларида, ижроия комитет мажлисларида етилган ва ҳаётий муҳим масалалар муҳокама қилинмоқда. Қарорларнинг аниқ бажарилиши кундалик назорат остига олинаяпти.

Биз қишлоқ қурилиши ва турмуш маданиятини юксалтириш масаласини сессияда кенг, атрофлича муҳокама қилдик. Қишлоқ Советининг депутатлари, доимий комиссия аъзолари масалани тайёрлашда, қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда актив қатнашдилар. Қарорда вазифалар аниқ, тадбирлар конкрет акс эттирилди. Қишлоқдаги «Москва» ва Жданов номли колхоз правленияларининг эътибори шаҳар типида посёлкалар қурилишини тезлатиш, газ ва водопровод тармоқларини ўтказиш, боғча-ясилар, маданий-маиший тармоқлар қурилишига кўпроқ эътибор беришга қаратилди.

Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши депутатларнинг диққат марказида турибди. Изчиллик, ташаббускорлик самараси ҳозирданоқ кўзга ташланяпти. «Москва» колхозида 50 ўринли боғча ишга тушди, унга қишлоқ Совети депутати Онажон Рўзметова мудирлик қилмоқда. Колхоз территориясининг асосий қисмига водопровод ўтказилди. Жданов номли колхознинг кўпчилик хонадонлари газлаштирилди. Депутатлардан М. Раҳимов, О. Ҳайитбоева, Ш. Машариповлар, И. Абдукаримов ва бошқа ўртоқлар қишлоқ маданиятини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Қишлоқ Совети депутатлари чор- ва қишловнга тайёргарликнинг аҳволи билан танишиб, халқ наворатчилари билан биргаликда ижроия комитет мажлиси муҳокамасига масала тайёрладилар. Ижроия комитет қароридаги тадбирлар амалга оширилганлиги яхши самара берди.

Биз сайловчиларнинг наказлари ўз вақтида бажарилишига алоҳида эътибор бераётирмиз. Депутатлардан Ў. Отажонов, О. Ҳайитбоев, С. Юсуповага берилган наказлар — бодалар боғчаси қуриш, водопровод ўтказиш, Ғозовот каналига кўприк қуриш ишлари амалга ошди.

Қишлоқ Совети депутатларининг ташкилотчилик, ташаббускорлиги ролини тинмай ошириб, уларнинг халқ хизматкорлари сифатидаги фахрли бурчларини оқлашларига эришамиз.

Жумагул РАҲИМОВА,
Қўшқўпир районидаги Котоғон қишлоқ Советининг раиси.

СИЕСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Сиёсий адабиёт нашриёти «Хатарли йўл. Пекин раҳбарларининг сиёсати тўғрисида (иккинчи чиқарилиши)» деган тўпламни нашр этди.

Тўпламга совет матбуотида босилган ва Хитой раҳбарларининг социализм, жаҳон революцион ва озодлик ҳаракати манфаатларига ёт сиёсатининг чинакам характери фош қилинган мақолалар киритилган.

(ТАСС).

МЕДИЦИНА МУАССАСАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ФАРҒОНА, 3 январь. (ЎзТАГ). Бағдод район марказида 120 ўринли янги касалхона комплекси қуриб битказилди. Бунинг ҳузурида поликлиника ҳам бор. Бу ерда ишлайдиган юздан ортиқ медицина ходими аҳоли соғлиғини ҳимоя қилади.

Бағдод касалхонаси — тўқкизинчи беш йиллик бошланганидан бери Фарғона областининг шаҳар ва қишлоқларида қурилган саккизинчи даволаш муассасасидир.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«МАГАЗИН ВА ХАРИДОР»

Газетамизнинг 1971 йил 12 ноябрдаги сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Тошкент шаҳрида савдони ташкил қилишдаги намчиликлар очиб ташланган эди. Шаҳар ижроия комитети савдо бошқармасидан олинган жавобда бундай дейилади:

Газета Тошкент шаҳрида савдони ташкил қилиш масалаларини тўғри нўтарган. Шаҳарда савдо тармоқларининг жойлашувида қатор камчиликлар мавжуд. Чакана савдо тармоқлари сонининг ўсиши товар оборотининг ўсиш суръатидан кейинда қолмоқда.

Шаҳардаги кўпчилик магазинлар кичик, улардаги товарларнинг хили оз. Савдо маданияти паст. Озиқ-овқат товарлари билан саёдо қилувчи йирик магазинлар асосан Ленин, Куйбишев, Чилонзор районларида бўлиб, бошқа районларда уларнинг сони кам. Бунга асосан «Главташкентстрой»га қарашли қурилиш ташкилотлари белгиланган савдо объектларини ўз вақтида қуриб ишга туширмаётгани сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда универсал савдо тармоқларини ривожлантириш, савдо қилишнинг прогрессив формаси бўлган каридорларнинг ўз-ўзига хизмат қилишини кенг жорий этишга алоҳида эътибор бериляпти. Бу тадбир каридорларга саноат ва озиқ-овқат товарларини бир жойдан харид қилиш, вақтни тежаш имкониятини беради.

Мақола шаҳардаги барча районларда савдо ходимлари ўртасида муҳокама қилинди. Савдони ташкил қилишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Х. ОЛИСХОН Аҳмедова Андижон трикотаж фабрикасининг энг ҳурматли ишчиларидан. Бу тикувчи кейинги йилларда 12 та ёшга ҳунар ўргатди. У ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам доимо ортиғи билан бажариб келмоқда.

Г. Кечкин фотоси.

ЯНГИЙИЛНОМА

Собир АБДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

ҚУШИҚЛАР ТАРИҚАСИДА ҚУШ ҚАСИДА

Бизга майиноб тут, соқийи жононимиз,
Бошла қўшиқ авжидан, ҳофизи хушхонимиз,
Тўпланишиб ёру дўст, йилни кутар онимиз,
Хайрлашиб эски йил — эски қадрдонимиз,
Тухфа қилиб қолдириб шуҳратимиз — шонимиз.
Меҳнатимиз ёнма-ён,
Роҳатимиз ёнма-ён
Бирлигимиз сир эмас,
Аҳли жаҳонга аён.
Катта курант соати урди ўн иккига жом,
Шеър ўқи тўхтамай, шоири ширин калом,
Кирди эшикдан, кулиб, кўксида қўл: ассалом,
Яъни, муборак қадам, севгили меҳмонимиз,
Дил тўла иззат-икром, қўлда тузу нонимиз.
Уй тўридан олди жой,
Хонага қўшди чирой,
Маънига бой янги йил
Янги зафардан нишон.
Йилда келур янги йил, лек, бу йил бошқароқ,
Ўлка каби бағри кенг, қор бамисол кўнгли оқ,
Яхши ўтиб эски йил, янги бу йил яхшироқ,
Янги уфқлар сари аҳд қила паймонимиз,
Енига беш юз қўшиб, тўрт ярим миллионимиз.
Мартда баҳор бошланур,
Ерга уруғ ташланур,
Боғни безатмоқ учун
Боғда кезар боғбон.
Шонли съезд белгилаб, эрта, ёруғ тонгимиз,
Тўй кечида қаҳқаҳа, иш кунида бонгимиз,
Шонли Директивадан руҳланиб онгимиз,
Янги, буюк режалар қудрату дармонимиз,
Чўлу биёбон эмас, боғ ила майдонимиз.
Техника парвоз этиб,
Қўл ишини оз этиб,
Ишнинг оғир қуйлари
Колхоз ошар ўн давон.
Йўлдаги беш «паҳлавон» биттасидир янги йил,
Катта, гигантлар учун янги бу йиллар кафил,
Партияга эргашиб қўйди қадам халқ дадил,
Йилдагидан йил оша, ошди фаровонимиз,
Ғам емагай халқимиз, деб,.. «ошимиз, нонимиз».
Меҳнат ўзи — бахт ўзи,
Партия ҳам халқ сўзи,
Кулди ғаройиб ҳаёт,
Келди ажойиб замон.
Янги ҳаёт бошладик партиямиз бош бўлиб,
Янги ҳаёт шавқида чоллариимиз ёш бўлиб,
Бир-бирига кўз бўлиб, бир-бирига қош бўлиб,
Тўлди йигит-қиз билан ишда икки ёнимиз,
Бўлса Ватан гар тана, шу тананинг жонимиз.
Қайғу аламдан йироқ,
Барчада зўр иштиёқ,
Миллати қатъий назар,
Халқ бари дўст, жонажон.
Ишчи йигит олиму, қўшчи йигит агроном,
Янги ҳаёт дошида қайнади кўп, пишди хом,
Ажради меҳнат билан, кимки ҳалол, ким ҳаром,
Қад кўтариб минг бино, қолмади вайронимиз,
Тоғ ошару қир ошар йўлдаги карвонимиз.
Ҳар куни юз хушхабар,
Бир-биридан мўътабар.
Мўъжизалар кетма-кет,
Халққа бўлур армуғон.
Йўлда «Ўртоқ—Болга»миз дуч келишиб, юзлашиб,
Техника, фан ҳақида йўл-йўлакай сўзлашиб,
Бир-бирига ҳар икков қуту мадад кўзлашиб,
Деб, суянар тоғимиз — давлати арконимиз,
Давр билан ҳамнафас ишчи-ю, деҳқонимиз.
Халқ қизу ўғлонлари,
Давр чироғбонлари,
Фанни эгаллаб букун,
Эрта берур имтиҳон.
Қарши қилиб қаршилик, чўлу биёбон десак,
Кулди секин, жилмайиб, боғу хиёбон десак,
Урди баланд қаҳқаҳа, пахтага майдон десак:
Ташна ўтиб асрлар Қарши — биёбонимиз,
Келгуси ўктам шаҳар, бўлгуси майдонимиз,
Кенг ёйилиб ихтиро,
Берди кўнгилга жило.
Янгича ҳар кашфиёт:
Корхона жисмида жон.
Минглари иш ғолиби, ўз ишида қаҳрамон,
Минглари қурмоқда ГЭС, мингдари очмоқда кон,
Бир чиқу, яйловни кўр, бир неча миллион гунон,
Кўчма ўтов устида ҳиллира, алвонимиз,
Қайтди съезддан кеча чўл сари чўпонимиз.
Сўз сенга эй, янги йил,
Яхши сўзингни дегил
Сен кла биз то шу дам,
Бизни қувонтир, қувон!
Эрта чиқиб биз билан бирга кезу, сол назар,
Халқ қўли гул эрур, ҳам ери — тупроғи зар,
Таърифу тавсифини Собир этар мухтасар,
Бизга майиноб тут, соқийи жононимиз,
Бошла қўшиқ авжидан, ҳофизи хушхонимиз,
Йилни кутар онимиз,
Қолмасин армонимиз!

ДЕГРЕЗ ЎҒЛИ

МИРМУҲСИН

(Романдан парча)

Арслоннинг хаёлларини узоқ кечмиш — студентлик йиллари олиб кетди.

... 1939 йилнинг эрта баҳори. Ҳафтанинг сўнгги куни Педагогика институтининг охирги курсидан ташқари ҳамма студентлар якшанбадан кейин Каттақўрғон сув омбори қурилишига жўнайди, деган гап тарқалди. Коридорга, деканат эшигига ёпиштириб қўйилган эълон қаршисида студентлар тўпланди. Бу хабарни деярли ҳамма ёшлар «ура-а!» деб қабул қилишди. Сафар, поездга тушиб бошқа шаҳарга бориш, катта қурилишда ишлаш романтикаси Арслон юрагига шавқ солди. У ўзининг ошиқона шеърлар билан тўлган чиройли дафтарини ёнига солиб олишни ҳам кўнглидан ўтказди. Ҳали Тошкентдан четга чиқмаган Арслон учун Каттақўрғон сув омбори қурилишига бориш — Арктикага боришдек катта гап эди. Шу йиллари Шимолий Қутбни забт этаётган қаҳрамонлар донги бутун мамлакатни тутган, челюскинчилардан кейин Папанин ва Шмидт номи, Чкаловлар қаҳрамонлиги тиллларда эди. Комсомол аъзоси Арслон Ўлмасбоев ҳам ўзини чкаловча жасорат қилишга чоғларди. Сув омбори қурилишига бориш муносабати билан ўқишдан сўнг катта залда институт ректори сўзлаб, зални лиқ-лиқ тўлдириб турган студентларни меҳнатга отлантирди. Профессор Платон Иванов, юқори курс студентларидан Карим Йўлдош, Маков, комсомоллардан Елена Стемпковская ва бошқалар минбарга чиқиб нутқ сўзладилар. Шоир Зафар Диёр шеър ўқиб берди. Тиқилинч залда, одамлар орасида турган Арслон шеърни диққат билан тинглар, бир неча китоблари нашр этилган бу шоир билан яқинда танишган эди. У мулойим, тўладан келган, ўта камтар йигит эди.

Душанба куни институт ҳовлисига тўпланган студентлар автомашиналарда вокзалга чиқиб, поезд билан Каттақўрғонга жўнаб кетишди. Туни билан тақа-тақ, тақа-тақ қилиб югурган поезд эртасига эрта билан Каттақўрғонга кириб борди. Қурилиш штабининг топшириғи билан Педагогика институти Янгиқўрғон участкасига жўнади.

Қорадарё бўйида шинам қишлоқ.

Бир томони баландлик — дўнг қирлар, бир томонида ёйилиб, баъзи жойлари икки, учга бўлиниб Қорадарё оқиб ётибди. Қишлоққа икки йўл бор: бири тепалик — қир орқали, иккинчиси эса дарё ёқалаб борилади. Каттақўрғондан келадиганлар аксар тепалик — қир орқалаб юришарди. Янгиқўрғон қишлоғида ўттизқирқ чоғлик хонадон бўлиб, тепаликдан қараган киши пастак уйлар, ҳовлилар, оғилхоналар, мўриларни кўрарди. Қишлоқнинг нариги томонида дарё оқиб ётарди. Қишлоқ ғоят хушманзара.

Иккинчи март, тонготардан бошлаб Янгиқўрғон қишлоғида карнай, сурнай, ноғора янграб қолди. Минг-минг одам қир тепасида шавққа тўлиб, кетмон билан ер чопа кетди. Салкам ўн беш километрли трассада қизғин ер чопиш бошланди. Баланд, тик тепаликларни қирқиб тушиб, Қорадарёдан Каттақўрғон шаҳри ёнида барпо этилаётган улкан ҳовузга сув тушадиган канал қазиларди. Одамлар чумолидек қир тепасида ҳаракат қилишар, осмонда кетмонлар ярқирар, замбилғалтакларда тупроқ ташишарди...

Кун бўйи меҳнат қилиб, тупроққа беланган тўрт давангир йигит кечга яқин Янгиқўрғон қишлоғи ўртасидан ўтадиган катта ариқ ёқасидаги сўрида оёқларини осилтириб ўтиришарди. Улар нимадандир шод, лабларининг таноби қочган, Насриддин афандининг бир бенбо латифасини айтиб, қотиб-қотиб кулишарди.

Шу лаҳза нариқдан ўтиб кетаётган, пальтоси устидан оқ халат кийган санитар қизга Арслоннинг кўзи тушди. Бу бежирим қиз унинг диққатини тортди. У тўсатдан бақириб юборди.

— Вой, до-о-од! Ўзим...

Ўтиб кетаётган қиз саросимага тушиб, оёқ остидаги тошга қоқилиб кетай деди. Арслон гувраланиб, ўнг қўли билан кўксини чангаллаб, яна дод солди... Қиз юриб кетаётган ерида бирдан бурилиб, йигитлар томон кела бошлади. Негадир бир зумда уларнинг беодоб қийқириқлари таққа тўхтаб, қизга тикилишди. У келиб бир шапалоқ урса-я, деган қўрқув ҳам юракка тушди. Қиз дод солган Арслонга яқин келиб, қизларига қаттиқ тикилди-да, мулойимлик билан сўради:

— Мени чақирдингизми, Арслон ака?

Арслон елкасини қисди. Негадир нафаси ичига тушиб кетди. Қиз унинг исмини шу қадар чиройли айтдики, ҳалигача ҳеч ким бундай чиройли талаффуз этмаган эди. У ўзини ўзи эпломай қолди. Бунинг устига, нозккина бир қизнинг ҳайиқмай тикка бу «йиртқич қоплонлар» устига бостириб келгани уларни ҳайратга солди.

— Йўқ, мен сизни чақирганим йўқ. Сизга шундоқ эшитилгандир — деди Арслон бир оз уялиқираб.

Қиз табассум қилди.

Шу оннинг ўзидаёқ орқасига бурилиб кетаётган эди, йигитлардан бири Арслонни туртди: «Ҳей гап ташла! Лаб-даҳан борми? Бирнима десанг-чи, сўтак! Ўз оёғи билан келса-ю, индамасанг-а!» Арслон миқ этмади, қизнинг орқасидан тикилганича анграйиб қолди.

— Нега нафасинг чиқмай қолди?

— Бир бало бўлдими сенга?!

— Э, жим ўтиринглар! — деди Арслон ошналарининг огзига уриб. Шу кундан бошлаб Арслон ўша шаддод қиз ҳақида ўйлай бошлади. унинг журъати ва шундай, маданий хушбичим қизнинг ўз кўзларига тикилгани тинчини бузди. Унинг ким эканлигини, исми нима, студентка эканми, билолмай қолди. У студент бўлиб бир институтда ўқиса-ю, билмаса! Жуда тааммжуб! Ёнида ўтирган дўстлари ҳам бу қизни институтда ҳеч кўришмаганини, бу қиз бегона эканини таъкидлашди.

Арслонни ҳаёл олди... Унинг кўз олдида яна ўша қиз пайдо бўлди. Лаблари устидаги кўкиш тук ҳам ўзига ярашиб турарди. Яна бир карра шу «ҳамшира» қиз билан учрашишни дилига тугиб қўйди.

Эртасига, кунниг ўрталарида юқорига — қирга чиқиб, ҳамшира қиз палаткасига кирди. Палатка ичида оқ халат кийиб олган кексагина бир рус аёли билан ўша кечаги қиз ўтиришарди.

— Салом! Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим, — деди сал довдираб Арслон.

— Марҳамат. — ялт этиб Арслонга қаради ўша қиз. Арслоннинг келиши тасодифий эмас, атай эканини пайқаб: — Нима қилди, тобингиз қочдими? — деди қиз ва оқ халати билан очилиб турган кўксини бекитди. Арслонни табуреткага ўтиришга таклиф қилди. Шу лаҳза икки-уч қадам юриб келиб. Арслон пешонасига қўли орқасини босди, — иссиғингиз борга ўхшайди...

— Ўзимни ёмон сезяпман, — деди ёлғондан Арслон.

— Термометр қўйинг, — деди палатка бурчагида, ўз каравотида ўтирган врач хотин.

— Хўп, — деди қиз даҳол стакандаги термометрлардан бирини олиб, силкиб Арслонга узатди, — қўлтиғингизга қўйинг!

— Ўша куни... мен... беодоблик қилган бўлсам сиздан узр сўрайман... Мени кечиринг, — деди эшитилар-эшитилмас Арслон. Бу гапга врач тушунмади.

— Ўша куни сиз мени чақиргандек бўлдингиз. Бошқа нарсани билмайман.

— Менинг исмимни қаёқдан биласиз?

— Сиз отнинг қашқасидай ҳаммага маълумсиз-ку! — қиз кулимсиради, икки ёноғида кулгич пайдо бўлди. — Нега билмас эканман!

— Қизиқ?

— Мен сизнинг ҳаммаҳаллангизман. Сизни жуда яхши биламан, тушундингизми?! Сиз —гипнозчисиз, шоирсиз... Сиз ҳақингизда кўп гап эшитганман, — қиз бийрон-бийрон гапириб, кулиб қўйди.

— Лаббай! — Арслоннинг бирдан ранги оқариб кетди, — ўша одамларга айтиб қўйингки!...

— Айтиб қўяман, иккинчи сизни гипнозчи деймасин, — у яна хандон ташлаб кулиб юборди, — Арслон ака, хазил қилдим, хафа бўлманг!

Қиз Арслонга ўткир қаради.

— Исмингиз нима? Кимнинг қизисиз? Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

— Бирданига ҳамма нарсани билиб олмоқчисиз-а! Жуда шошилманг! Исмимни айтишим мумкин, исмим — Барчин.

Исмингиз жуда чиройли экан. Достонлардаги исмдан экан...

— Ўзим чиройли эмасманми?

— у яна хандон ташлаб кулди. У негадир ҳазиллашгиси келарди.

— Ўзингиз ҳам жуда чиройли, менбон экансиз, — деди Арслон.

— О, яхши йигит, ҳаддингиздан ошманг!

— Узр...

— Температурангиз 36°. Касал эмассиз! — деди Барчин термометрдан кўз узаркан, — Туринг! Бориб ишлаш керак! Яқковлик қилиб ер тўлада осмонга қараб ётаверманг!

— Мен ертўлада эмасман, қишлоқдаман. Ҳув, анави ҳовлида. У ерда бир келинпошша бор, бизларни ҳар куни қаймоқ билан сийлайдилар. Юз қадамча нарида Қорадарё оқиб ётибди. Ҳар куни чўмиламиз, томоша қиламиз. Табиат қандай яхши...

— Мартда эсини еганлар чўмилади!

— Биз, моржмиз...

— Сизлар морж бўлгани келганмисиз ёки ишлагани?! — деди кўзлари чақнаб Барчин, — ундоқ бўлса қаймоқ еб, ўша келинпошшага тикилиб ўтираверинглар!

— Сиз ҳам келинг.

Бу гапдан кейин улар хайрлашишди.

Шанба куни трассада улар яна учрашиб қолишди. Оқ халат кийган Барчинни кўрган Арслоннинг юраги гуп-гуп ура бошлади. Кетмон чопаётган йигитларнинг кўзи «ингичка бел, каптар кўкрак...» қизда эди. У бугун сочини қубба қилибди. Унинг бугун ниҳоятда кайфи чоғ, одамлар билан қуюқ омонлашар, қўл-пўли чака бўлганлар билан зеркмай узоқ сўзлашарди. У Арслон билан ҳам узоқдан бош қимирлатиб омонлашди. Қандайдир бир силлиқ йигит билан узоқ чақчақлашди. Йўлда у йигит Барчиннинг билагидан ушлагандек ҳам бўлди — Арслоннинг жони ҳиқилдоғига келди...

Шу куни кечга яқин Арслон Барчинни тепаликка — палаткага кузатиб қўймоқчи бўлиб йўлда сўради:

— У ким?

— Танишим, — Барчин ялт этиб Арслонга қаради-да, тааммжубланди.

Куннинг ўрталарида Янгиқўрғон участкасига мухбирлик қилиб келган дўсти Асқар Арслонни Каттақўрғонга, газета редакциясига олиб кетди. Газета редактори чақирган эмиш. Афтидан, у канал қазиётганлар ҳақида кўпроқ, яхшироқ материаллар бериб туриш учун студентларни ҳам жалб қилмоқчи бўлса керак. Арслон дўстининг таклифидан ғоятда хурсанд, бориб участка прорабидан рухсат олди-да, озиқ-овқат ташлаб кетаётган юк машинасида Каттақўрғонга жўнашди

Машина шаҳар ичида уларни тушириб, колхозга кетди. Арслон билан Асқар шаҳар ичида бозор четидаги уйларга жойлашган газета редакцияга киришди. Қорамағиз, хипчадан келган баланд бўйли редактор студентни очиқ чеҳра билан кутиб олди. «Мен ўзим ҳам тўртинчи курс студентиман» деди у ўзининг бу икки романтик ёшларга елкадош эканини изҳор этиб. Орадан бирон соат ўтар-ўтмас бу ерга қурилишдан келиб йиғилган кўпгина мухбирлар билан суҳбат ўтказиб, соат бешда бўладиган катта митингга уларни таклиф этди. Дарҳақиқат, соат бешда шаҳар ичида жойлашган штаб ёнидаги майдонга минглар-ча одамлар тўпланиб, минбарга Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов чиқди. У даставвал И. В. Сталиннинг қурувчилар адресига йўллаган хатини ўқиб берди. Ундан сўнг ўзи бир ярим соат чамаси оташин нутқ сўзлади.

Митинг минбаридан унча узоқ бўлмаган жойда Арслон билан Асқар Усмон Юсупов ва бошқа давлат арбобларига тикилиб ўтиришарди. Таниш сиймолар... Лекин Арслон учун таниш бўлмаган қурилиш бошлиғининг муовини, баланд бўй, қарашлари ўткир, президиумдагилар ичида кўзойнаги билан ажралиб турувчи Саидбеков унинг диққатини тортди. У этик кийиб юрганига қарамай, асли знёлинамо одам экани сезилиб турарди. Асқарнинг айтишича матбуот ходимлари, мухбиру ёш шоирлар билан яхши гаплашар экан...

— Бақириб, ха-татайт қиладиганларни ҳам биламиз, — деди ошнасига ўгирилиб Асқар, — Ху мойон Саидбеков — интеллигент киши, бақирмайди, ўйлаб иш қилади. Асли тарих муаллими бўлган экан. Ҳув, ана, гўзал қизчалари ҳам ўтиришди.

Арслон ялт этиб ўнг томонга, Асқар қўли билан ишора қилган баландликка қаради.

— Қани?

— Ҳув, ана! Оқ халат кийган қиз ёнида ўтирибди-ку! Кичкина қиз... Қаҳрамонлик кўрсатаман деб, отилиб чиқиб, отаси билан қурилишга келибди. Санитарка бўлиб ишлаяпти. Ўзи жуда жойида...

— Ия, анави-я! — Арслоннинг кўзи Барчинга тушди. Барчин ҳам олдинги қаторларда ўтириб, ўзига тикилаётган Арслонни кўриб, табассум қилиб, бош қимирлатди. Бу дақиқа Арслоннинг аъзойи-бадани жимирлашиб, кутилмаганда бу илтифот. гўзал қизнинг унга нисбатан пинҳоний илтифоти ўзида йўқ даражада хурсанд қилиб юборди. Бу сирли имо-ишорани Асқар сезмас, уларнинг таниш эканликларини ҳам билмас эди.

— Ҳув. анови-да! — деди Асқар Арслон ҳадеб қарайбергач, — Сочини бошига чамбар қилган. Кўрдингми?

Барчинни аниқроқ кўрсатаётганидан Арслон уялди. Бу ҳолни Барчин яхши кўриб турарди. Ўзи ҳақида гап кетаётганини билиб, Арслонга яна ялт этиб қараб, кулиб қўйди ҳам. Асқар бўлса яна гапида давом этди:

— Ўзи ҳам қулинг ўргилсин дўндиқча. Аллақайси участкада санитарка эмиш. Штабга тез-тез келиб туради. Катта одамнинг қизи бўлса ҳам димоғдор эмас, анча гаплашадиган...

— Қайси маънода?

— Тўғри маънода. Унақа, сен ўйлагандақа эмас.

— Мен ҳеч нарса ўйлаганим йўқ, — Арслон қулди...

Студент йигитнинг ҳамма ҳолатини қиз ниҳоятда пинҳоний кузатиб турарди. Арслон диққатини ҳамма нарсадан кўра ўнг томонда, баландликда ўтирган қиз тортиб туради. Унинг фикру хаёли ўша ёқда эди...

Арслон уйга кирганида студент дўстлари ҳайратланиб кутиб олишди; унинг кун бўйи ғойиб бўлганидан ташвишланган Зоҳидийнинг кўзлари катта очилиб, дўқ урди:

— Сиз бунақа ўзбошимча бўлиб, ишни ташлаб кетиб қолсангиз, комсоргга ёзиб бераман.

— Ха, сиз ёзиб ўргангансиз, — деди Арслон.

— Уйингизга ҳам хабар қиламан! Институтда ахлоқингизни муҳокама қиламиз, — деди яна Зоҳидий санитар қизга ишора қилиб.

— Дўстлар! Мен митингда бўлдим. Ўртоқ Усмон Юсупов сўзини эшитдим. Сизлар бўлсангиз нима хаёлларга боряпсиз. Зоҳидий жаноблари, агар мен ўша сиз айтган «санитарка» билан юрганимда қандай бахтли бўлардим...

— Биринчидан, мен сизга «жаноб» эмасман! Бу ҳақорат гапингиз учун ҳали Тошкентга борганда жавоб берасиз! Иккинчидан, сиз ўша ахлоқсиз қиз билан юрасизми, юрмайсизми, менга бунинг алоқаси йўқ!

— Сизни яхши ҳам «маҳсимча» демадим, «жаноб» деганимга шукур қилинг! Керак бўлса албатта жавоб бераман. Лекин, сиз қурилиш бошлиғи муовини Хумойун Саидбековнинг қизини «ахлоқсиз» деганингиз учун албатта жавоб берасиз! Мана, ўтирганлар гувоҳ! Ўртоқ Саидбеков Марказий Комитет аъзоси. Қизи — Саидбекова комсомол аъзоси...

Зоҳидий бақрайганича қотиб қолди.

Арслон ўз ўрнига чўзилди Унинг кўз олдида жилмайиб, кулимсираб турган — дунёда энг гўзал, энг ақлли қиз — Барчиной турарди...

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ ЯХШИ ЎТКАЗАЙЛИК

ЧЎПОН ЎЙЛАРИ

Йилнинг тўрт фасли ҳам чорвадорлар учун катта синов. Лекин қиш фаслида чўпон-чўлиқларнинг иши анча мураккаблашади. Сабаби, қўй-қўзилар ҳафталаб, баъзан эса ойлаб қўйхоналарда қўлдан ем-хашак беріб боқилади. Отарнинг қишдан бехатар олиб чиқилиши келгусида туёқ сони ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кузда урчитилган совлиқлар ёғингарчиликлар бошланиб, совуқ тушгунга қадар ўзини яхши тутиб олса-да, қиш чилласига кирганда қўшимча парваришга муҳтож бўлади, баъзи совлиқлар ҳатто қўзилаб қўяди. Бундай кезда чўпон-чўлиқларнинг муҳим вазифаси боқимни кучайтиришдан, чиқимга сира йўл қўймасликдан иборат.

Мен ўтган йил баҳорида боқимимдаги ҳар 100 бош совлиқдан 222 тадан соғлом қўзи олдим. 635 қўзини тери учун сўйиб, 500 бошга яқин қўзини ўстиришга қолдирдим. Ундан олдинги йилларда ҳам шундай муваффақиятларга эришдим. Партия ва ҳукуматимиз яхши хизматларимни эътиборга олиб менга Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, қўша-қўша медаллар билан тақдирлади. Яқинда «Волга» машинаси билан мукофотландим.

Бундай кўрсаткич ва ҳурматга асосан қишловни беталафот ўтказиш туфайли эришяпман. Сўзимнинг исботи учун мисоллар келтираман. **Отаримда 500 бош қўй бор, уларнинг ҳаммаси юқори семизликда. Лекин бундан қониқаётганимча йўқ Мутахассислар билан маслаҳатлашиб 20 тонна хашакни отар ёнига келтириб қўйдим. 5 тонна эҳтиёждан ортиқ хашак ғарамдадим.** Чорвадорлар орасида тўққиз ой тўплаган семизнинг ўн ой қишга етмайди деган гап бор. Шундай экан, **жамғарилган ем-хашакнинг ҳар килограммидан маълум мақсадий қўзиқ фойдаланиш керак. Совлиққа едирилган озуқа уни семиртирсин, ювғинни кўпайтирсин, баҳорда туғиладиган қўзининг тез ва соғлом ўсишига ёрдам берсин. Мен қиш фаслида ҳар бош қўйга икки центнер 30 килограмм атрофида хашак едираман, емни мутахассисларнинг маслаҳати билан бераман.**

Қўйлар, тўхлиларни қиш фаслида қондириб суғориш катта аҳамиятга эга. Отар ёнидаги сув ҳавзасини тахт қилиб қўйдим. Бўғоз совлиқларга сувни ҳаво ўта совуқ келган кезларда илитиб ичираман. Ош тузи ялатиб боришни канда қилмайман. Яқинда колхозимиз қўйчивонларининг йиғилиши бўлиб ўтди. **53 минг бош қўйни қишловдан тўқ ва семиз чиқариш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олдик.** Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти отарларга ёрдамчи кучлар. транспорт воситалари ажратди. Чўпонлар баҳорда эгиз қўзи олишни кўпайтириш юзасидан мусобақа боғлашди. **Мен ҳар 100 совлиқдан 225 тадан қўзи олишга аҳд қилдим. Тошмурод Юнусов, Бўрон Бойматов, Тожинор Хушвақтов, Ҳаким Болтаев, Ҳушвақт Пирнмов каби илғор чўпонларимизнинг азми-қарори ҳам шундай.** Ҳалол меҳнатимиз билан бунга эришамиз, албатта. Чорва қишловини соз ўтказиш — ҳамма галабаларимизнинг гарови бўлади.

Нурота районидаги Ленин номли совхоз чорвадорларининг бу борадаги тадбирларини тўла маъқуллаймиз.

Отабой БЕКҚУЛОВ,
Деҳқонобод районидаги «Ленинизм» колхозининг бош чўпони.

«Уринбосарлар», «Узбекфильм» киностудиясида суратга олинаётган янги фильм ана шундай номланган. Ёзувчи К. Икромовнинг «Қуролсозлар кўчаси» ҳамда «Юмолоқ муҳр» номли повестлари асосида экранлаштириладиган мазкур саргузаштли картинанинг тўрт серияли бўлиши кўзда тутилган. Суратдаги кадрда: чекист Пшеницин — артист В. Цветков, солдат — артист Ю. Гзаров, Толиб — 51-мактаб ўқувчиси А. Бурхонов, солдат — артист А. Герасимов, генерал — Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР халқ артисти И. Шкваловлар акс эттирилган.

А. Горокрин (ЎзТАГ) фотоси.

АХБОРОТ

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

ҚОРБОБО ЭШИК ҚОҚАДИ

Янги йил кечаси. Безоғлиқ арча ўйинчоқларини кўз-кўз қилянти. Ноз-неъматлар тўла дастурхон атрофи гавжум. Шўх куллги янграркан, эшик қўнғироғи жиринглайди. Остонада бир саватт совға-саломи билан момиқ соқолини селкиллатиб Қорбобо турарди.

Ажабланманг, кутилмагам меҳмон 10 кунгача эшик қоқади. Тошкент «Сервис» фирмаси шаҳарликларга намунали маиший хизмат кўрсатиш учун ана шундай йўл танлашган. Халқ ўртасида «Холис хизмат кўрсатиш уйи» деб ном олган мазкур фирма ходимларининг бундай ҳайрли ишларида Тошкентдаги театр ва рассомчилик институти студентлари кўмаклашмоқдалар. Бўлажак артистлар бугунгача Қорбобо ва Қор қиз ролларида ўйнаб, 100 дан ортиқ хонадонда бўлди.

Истаганлар «Сервис» фирмасига 442800—442809 гача бўлган телефон номер орқали мурожаат қилсалар бас.

ТЕЗЮРАР ВАГОНЛАР

Қўйлиқ томонда истиқомат қилувчи қариндошиникида йил кутишга аҳдлашганлар ҳам нечинмай боришди. Автобус кутмай, трамвайда боришди. Тошкент трамвай йўллари яна 7,6 километрга узайди, Жарқўрғон бекати билан Қўйлиқ оралиғида 6-трамвай қатнови йўлга қўйилди. Ҳозирча янги тезюрар, комфортабелли 4 та вагон хизмат қилмоқда. Шаҳарликлар бундай совғадан беҳад мамнун.

ШОФЕРЛАР ОМАДИ

Спорт лотереясининг сирли 49 натагидан 6 тасини тўғри белгилаш осон эмас. Ҳозирча Туличев қишлоқлик Александр Луцюк рекордчи бўлиб турибди. Қишлоқ тракторчиси ўзи туғилган кунида олган 50 та билетнинг 49 тасида тўрттадан рақамни тўғри белгилаб, катта ютуқ эгаси бўлди.

Тошкентликлар орасида ютуқли 6 та рақамни аниқ чизганлар бўлмаса-да, 5 тасини тўғри белгиларанлар бор. 30-тиражда бир-иши 5 та рақамга 1885 сўм олган бўлса, 31-тиражда шунча рақамга 2 кишига 3695 сўмдан ютуқ чиқди. Бундай катта ютуққа ҳозирча шоферлар эришиб туришибди. Уларнинг бири луб экинлари область станцияси шофери У. Назаров бўлса, иккинчиси — С. Каримов учинчи автокомбинатда ишлайди. «Ташпромторг» бош бухгалтери ўринбосари А. Сафронова билан А. Ерценкинлар 3695 сўм ва 5000 сўмлик ютуқ олишади.

10 январда спорт лотереясининг навбатдаги тиражи ўйналади. Омадингизни яна синаб кўрасиз.

ЎҚУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Мингга яқин Термизлик ўқувчилар қишки таътил кунлари арча байрамини янги мактаб қучоғида ўтказадилар. Ойнаванд, чароғон синфларда болалар энди бир неча кун ўқишган бу муҳташам бинони 165-қурилиш трести азаматлари байрам арафасида фойдаланишга топширишди.

Шунингдек, Қарши, Урганч ва бухоролик қичкинтойлар ҳам ойраб қолишди. Мазкур шаҳарларнинг 13., 167- ва 163-қурилиш трестлари бинокорлари ҳам 140, 280 ҳамда 50 ўринли боғчалар калитини эгаларига топширишди. Бинокорларнинг янги йил совғасидан ўқувчилар ва қичкинтойларнинг қувончи чексиз.

М. СУЛТОНОВ.

АРЧАЖОН

САЙЕР

Яшил,
Зумрад,
Кўм-кўк
арчалар
Игна,
Тикан,
Қушпат
баргчалар.
Сизни қорли ўрмон қўйнидан,
Дарахтларнинг базм-тўйидан,
Оппоқ совуқ баргида юлиб,
Қаҳратон қиш қаҳридан юлиб
Чана ясаб узун чанғидан,
Артиб-суртиб қорнинг чангидан
Олиб келдим уйим тўрига,
Сўнг ўтказдим сени сўрига,
Зарга ўраб, исирга тақиб,
Бошинг узра чироқлар ёқиб,
Кўксинг тўла марварид,
маржон,
Ясантирдим сени, арчажон!
Уйим тўри сенинг бўлди,
Урмон қизи менинг бўлди.
Арча келин тушди уймга
Келаверинг, дўстлар, тўйимга,
Ширинсухан, малика қорқиз
Дўст дийдорин кўрмоққа зор
қиз
Аямайди ширин каломин,
Қабул айланг, келин саломин!
Давра олиб куй айтамиз хуш,
Тиллар бийрон, диллар гўё
куш:
— Арча, ёшлик рамзи —
яшиллик,
Яшилликда доим яхшилик!
Яшилликдан хонам қуёшлик,
Олқар сени, арчажон, ёшлик!
Яшнат бахтиёрлар элини,
Арчажон!
Янги йил келини!

Мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларини қувноқ ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларидаги маданият уйлари, клубларида болаларнинг шўх кулгилари ўн кун давомида янграб туради. Безанган арча атрофи гавжум ва серфайз бўлаётир.

Суратда: Янгийўлдаги пионерлар уйида арча байрами тантаналари акс эттирилган.

К. Розиқов фотоси (ЎзТАГ).

* *

БАНГЛА ДЕШ КОМПАРТИЯСИНИНГ ДАЪВАТИ

ДАККА, 3 январь. (ТАСС). Бу ерда Бангла Деш Коммунистик партияси марказий аппаратининг очиқ шароитда ишлайдиган биринчи муассасасини расмий равишда очиш маросими бўлиб ўтди. Шу воқеага бағишлаб ўтказилган митинг қатнашчилари якдиллик билан резолюция қабул қилиб мамлакат мустақиллиги учун курашган ҳамма кишиларни қизғин табрикладилар. Улар Коммунистик партия мамлакатни қайта қуришда, гуллаб-яшнаб турган, демократик, социалистик Бангла Деш давлатини қуришда жуда актив иштирок этади, деб ишонч билдирдилар.

Бангла Деш Коммунистик партияси дунёдаги ҳамма демократик, прогрессив ва социалистик кучларга мурожаат қилиб, Ғарбий Покистонда азоб чекиб ётган бенгал халқининг раҳбари Мужибур Раҳмоннинг дарҳол озод этилишини талаб қилишга чақирди.

ВЕНЕСУЭЛА ҲУКУМАТИНИНГ ЧОРАСИ

КАРАКАС, 3 январь. (ТАСС). Мамлакат президенти Рафаэль Кальдера ўзининг янги йил табрикномасида шуни маълум қилдики, Венесуэла ҳукумати АҚШ билан тузилган савдо шартномасининг ҳаракатини 6 ойгача тўхтатишга қарор берди.

АҚШ ҳукумати Венесуэлага нисбатан камситувчи савдо сиёсати ўтказаётганлигига, жумладан Венесуэла нефтини импорт қилиш квотасини қисқартирганлигига жавобан ана шундай чора кўрилди, деб таъкидлади президент.

КУЧЛИ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

ДЕҲЛИ, 3 январь. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахтида АҚШ авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси территориясини ваҳшиёна бомбардимон қилаётганлигига қарши кучли норозилик намойиши бўлиб ўтди. Бутун Ҳиндистон касаба союзлари конгресси ташкил этган намойиш қатнашчилари Америка империализмининг Осиёдаги агрессиясини кескин қораладилар.

Ер юзида

КУБА ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Куба пойтахти байрам либосини кийган. Марказий проспект — Авениде Де Лос Пресидентеса одамлар гавжум. Ҳамма жойда қизил байроқлар, шиорлар, транспарантлар қўзга ташланади, Мамлакат 1 январда озодлик кунини байрам қилди. Бундан 13 йил муқаддам манфур мустабид ҳокимиятни ағдариб ташлаб, ўз мамлакатида чет эл монополияларининг ҳукмронлигига барҳам берган Куба халқи социалистик жамият негизларини муваффақиятли суратда қурмоқда, истиқболга зўр ишонч билан қарамоқда.

Куба меҳнаткашлари миллий байрамни ишлаб чиқариш муваффақиятлари билан қутиб олдилар. Саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик кооперативларининг кўпчилиги планларини тўла ва ошириб бажарди. Оролнинг асосий бойлиги деб ҳисобланган шакар қамиш ҳосили йил сайин ортиб бормоқда. Уй-жойлар қурилиши ғоят кенгайиб кетди. Бу уй-жойлар кейинчалик истиқомат қиладиган кишиларнинг ёрдами билан барпо этилмоқда.

Завод ва фабрикалар қурилмоқда. Сув омборлари ва ирригация системалари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Сув омбори ва ирригация системалари қишлоқ хўжалигини ёғингарчиликдан, сув тошқинларидан ва доим такрорланиб турадиган қурғоқчиликдан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Портларда ер юзининг ҳамма қисмидан келган кемаларнинг юки тушириб олинмоқда ва уларга юк ортилмоқда. Бу кемалар Кубага машина-ускуналар келтирмоқда ва Куба экспортининг асосий товарлари бўлган қанд-шакар, мева, кофе ва Куба ромини бошқа мамлакатларга етказиб бермоқда.

Куба халқи социалистик мамлакатларнинг қардошларча бегараз ёрдамига ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг бирдамлигига таяниб миллий экономикани муваффақиятли суратда ривожлантирмоқда.

ЭКОНОМИКАНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ТАДБИРЛАРИ

КАРОЧИ, 3 январь. (ТАСС). Покистон президенти З. А. Бхутто ўзининг янги йил нутқида кон-руда саноатининг бир қанча корхоналари давлат ихтиёрига олинганлигини эълон қилди. Бу ўринда гап аввало Ғарбий Покистоннинг шимолий районидаги зумрад казиб олинадиган Свата конларини давлат ихтиёрига олиш тўғрисида бораётир.

Матбуотнинг ҳукумат доираларидан олинган маълумотларга асосланиб хабар қилишича, яқин орада бошқа баъзи саноат корхоналари ҳам давлат назоратига олинади.

Бхутто ўз нутқида ерсиз деҳқонларга ер беришни ҳам ваъда қилди.

Менинг ҳукуматим экономикани қайта тиклаш тадбирларини кўрмоқда, деди Бхутто. Жумладан, ҳукумат Кветтада ҳозир бекор турган катта тўқимачилик фабрикасини давлат ихтиёрига олиб, унда иш бошлаб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Менинг ҳукуматим экономикани қайта тиклаш тадбирларини кўрмоқда, деди Бхутто. Жумладан, ҳукумат Кветтада ҳозир бекор турган катта тўқимачилик фабрикасини давлат ихтиёрига олиб, унда иш бошлаб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

АПП агентлигининг хабар беришича, Покистон ҳукумати ўзининг ташқи савдосини ривожлантириш учун Афғонистон ва Эрон орқали ўтадиган қуруқликдаги йўллардан энг кўп самара олинадиган қилиб фойдаланиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди. Ана шу қадимий йўлларда юк ташиш иқтисоди жиҳатдан манфаатли эканлигини кейинги икки йиллик тажриба кўрсатди.

НИМА УЧУН ШУНДАЙ ҚИЛИНМОҚДА?

ВАШИНГТОН, 31 декабрь. (ТАСС). Қўшма Штатлар ҳарбий маҳкамасининг раҳбарлари «Совет ҳавфи борлиги» тўғрисидаги ҳаёлий ўйдирмаларни бир неча бор тўқиб, Америка конгрессида ҳарбий ҳаражатларга қўшимча маблағ ажратишга муваффақ бўлиш учун уриниб келдилар. Мудофаа министри бу сафар ҳам матбуот конференцияси ўтказди. У матбуот конференциясида Совет Иттифоқи қуролланиш соҳасида АҚШга нисбатан устунлик доирасини ҳафта сайин кенгайтирмоқда, деб даъво қилди. Бундай даъволарни Пэйрднинг ўзигина илгари сураётгани йўқ. «Вашингтон пост» газетаси америкаликларни Совет Иттифоқи «қуролланиш пойгасини кучайтираётганлигига ишонтириш мақсадида январь ойида матбуотда ва телевидениеда кенг пропаганда кампаниясини бошлаб юбориш планлаштирилмоқда, — деб ёзди.

Америка хавфсизлиги кенгаши деб аталган реакцион ташкилот бу кампаниянинг ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқди. Ана шу ташкилот дастлаб Америка ишчилари ва хизматчиларининг «садоқатини текшириш» ва корхона эгалари учун қора рўйхатлар тузиш билан шуғулланган эди, эндиликда у ўтакетган милитеристик пропагандани ўзи учун иккинчи касб қилиб танлаб олди.

Ҳафталик «Ньюсуик» газетаси бу кампаниянинг асил сабабларини фош қилиб ташлайди. Газета қуйидагиларни ёзади: «Пентагон бюджетининг 1972—1973 молия йили мўлжаллари жами 80 миллиард доллар миқдорида пул ажратишни кўзда тутади». Бу — конгресс томонидан 1971—1972 молия йили учун маъқулланган ҳарбий бюджетдан 10 миллиард доллар ортиқдир.

Бу ердаги сиёсий доиралар Пэйрд жаноблари ўтказаётган ҳарбий куч-қудратни жадал ошириш сиёсатини АҚШнинг стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида Совет Иттифоқи билан олиб бораётган музокаралари билан қай тарика мувофиқлаштириш мумкин, деган ҳақли саволни ўртага қўймоқдалар. Демократик партия раҳбарларидан бири сенатор Э. Маски яқинда АҚШ ҳукумати «Қўшма Штатларнинг стратегик қуроллар билан зўр бериб қуроллана ётганлиги ҳақидаги танқидлардан ҳимоя қилиш учун сиёсий парда сифатида» шу музокаралардан фойдаланишга интилаётганлигидан хавфсираётганлигини айтди.

БУГУН БИРМА МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ЯНГИ ЙЎЛДАН

Бирма Иттифоқи халқлари ўзларининг миллий байрами— мустақиллик кунини нишонламоқдалар. Бундан 24 йил муқаддам Бирма 60 йилдан кўпроқ давом этган Англиянинг мустамлака бўйинтуруғ и н и улоқтириб ташлаб, янги ҳаёт қура бошлаган эди. Ўша пайтдан бери ғоятда машаққатли йўл босиб ўтилди. Гарчи мамлакат 1948 йилда мустақиллик олган бўлса ҳам, 1962 йилгача ҳокимият тепасида хусусий миллий ва ажнабий капитал манфаатларини ифодалайдиган ҳукуматлар туриб келди. Бунинг устига мустамлакачилар бирмаликларга оғир мерос қолдирган эдилар: қишлоқ хўжалиги қолоқ аҳволда эди, экономикада ажнабий капитал ҳукмронлик қилар эди, феодал қарқитлар, мамлакат чекка ўлкаларида нифоқчилик ҳаракатлари кучли эди.

Генерал Не Вин бошчилигидаги Бирма армиясининг ватанпарвар кайфиятдаги доиралари мамлакатни идора қилишни қўлга олиб, У Ну ҳукуматини ҳокимиятдан четлаштирган 1962 йил Бирма тарихидаги муҳим сиёсий босқич бўлиб қолди. Бирма революцион кенгаши «Бирманинг социализмга бориш йўли» деган сиёсий декларацияни қабул қилди. Бу декларацияда ривожланишнинг капиталистик йўли рад қилинди ва мамлакатда социализм қуриш асосий мақсад қилиб олинди.

Не Вин ҳукумати ажнабий капитал ҳукмронлигини бартараф этиш ва мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш йўлини бошлаб социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишга ва ватан индустриясини барпо этишга киришди. Ҳамма ажнабий банклар, компаниялар давлат ихтиёрига олинди. Давлат ўрмон бойликларидан фойдаланишни ва нефть казиб олишни, шунингдек ташқи савдони тўлатўкис ўз назорати остига олди, кончилик саноатининг 80 процентини ва қайта ишлаш саноатининг 60 процентини ўз қўлига тўплади.

Бирма қишлоғида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Илгари деҳқонлар помешчиклардан ижарага олиб келган деҳқончиликка яроқли ерларнинг салкам учдан бир қисми уларнинг ўзига олиб берилди. Помешчикларга ижара ҳаки тўлаш бекор қилинди. Ирригация системалари, чорвачилик фермалари деҳқонлар фойдаланадиган машинани ижарага олиш станциялари қурилди. Ҳозир Бирма далаларида 7 мингтага яқин трактор ишлаб турибди. 1962 йилда Бирмада жами 429 та трактор бор эди. Деҳқон хўжаликларининг даромадлари кўпайди.

Кооператив ҳаракати кенг қулоч ёзди. Ҳозирги вақтда бутун мамлакатда минглаб саноат, қишлоқ хўжалик, матлубот, омонат ва кредит кооператив жамиятлари ташкил этилди. Қишлоқ кооператорлари энг асосий тайёрлов ташкилотлари бўлиб қолмоқдалар. Бирма ҳукумати кооператив ҳаракатини социалистик йўналишдаги янги жамият қуришнинг муҳим бўғинларидан бири деб билмоқда.

Маориф, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди.

Лекин Бирмадаги социал-иқтисодий ўзгаришлар ташқи империалистик кучларнинг мададига таянувчи ички реакция кирдикорлари сабабли катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Реакцион кучлар мамлакатдаги миллатга қарши гуруҳларни руҳлантириб, улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар. Шан, Чин ва Карен автоном областларидаги нифоқчи ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек Таиландда ўрнашиб олган У Ну бошчилигидаги реакцион муҳожирлар марказий ҳукуматга қарши чиқмоқдалар. Мамлакатнинг халқаро обрў ва эътиборини оширган Бирманинг мустақил ташқи сиёсий йўлига, прогрессив ислоҳотларга реакцион кучлар қарши чиқмоқдалар.

Революцион кенгаш 1964 йил мартида «Миллий бирликни муҳофаза қилиш тўғрисида қонун» қабул қилди. Шу қонунга мувофиқ Бирма социалистик программаси партиясидан ташқари ҳамма сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари тарқатиб юборилди. Орадан йиллар ўтиши билан бу партия ўз программаси ва фаолияти туфайли тобора катта обрў қозонаверди. Бу партия халққа манзур бўлганлигининг сабаби шуки, «Бирманинг социализмга бориш йўли» деган сиёсий декларацияга мувофиқ Бирма социалистик программаси партияси Бирма жамиятини қайта қуриш ишида социалистик йўлдан бориш программасини ўртага қўйди.

Шу партиянинг 1971 йил ёзида бўлиб ўтган биринчи съезди Бирма халқи ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Съезд ўтган даврга якун ясади ва Бирмада «илғор социалистик экономикани барпо этиш мақсадида социалистик демократик давлат қурилади» деб эълон қилди. Ҳозир Бирма социалистик программаси партияси кадрлар ташкилотидан ўз фаолиятида ишчилар, деҳқонларга, прогрессив кайфиятдаги ҳарбийлар ва зиёлиларга таянувчи оммавий сиёсий ташкилотга айлантирилди. Ҳозир унинг сафларида бир ярим миллионга яқин аъзо, кандидат ва ҳайриҳоҳ бор.

Мустақил Бирма ўзининг ташқи сиёсатида бетарафлик ва турли социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш йўлига амал қилмоқда. Бирма Иттифоқининг СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабати муваффақиятли суратда ривожланиб бормоқда. Совет Иттифоқи билан Бирма ўртасида иқтисодий, савдо-сотиқ ва маданий алоқалар кенгаймоқда. Бизнинг мамлакатимизда Бирма мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва прогрессив социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш учун курашаётган дўст Бирма халкига зўр хайриҳоҳлик билан қаралмоқда. Мустақил Бирма янги ҳаёт қуришда ҳамиша совет кишиларининг мададига умид боғлаши мумкин.

Н. МАРКОВ.



МХР. Давлат хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги бирлашмалари далаларида нўплаб замонавий техника ишлатилмоқда. Малакали механизаторлар сони ошиб боряпти. Утган йили улар сафига 1200 тракторчи ва комбайнчилар қўшилди. Баруун-Хари давлат хўжалигида яхши жиҳозланган ремонт устахонаси бор. Совет мутахассислари бу ерда тракторларни ремонт қилишда ўз ҳамкасбларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Е. Терентьев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Дарёларнинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши нидерландияликлар учун катта бахтсизлик келтирди. Роттердам шаҳри санитария инспекцияси яқинда водопровод тармоқларини беркитиб, унинг сувини истеъмол қилишни тақиқлаб қўйди. Савдо компаниялари бундан дарҳол фойдаландилар. Ҳозир улар ичиладиган сувни Норвегиядан олиб келиб, озиқ-овқат магазинларида қиммат баҳо билан сотмоқдалар.

Суратда: Норвегиядан ичиладиган сув келтирилди.

АНЕФО—ТАСС фотоси.

Арабистон ярим оролидаги Англиянинг Оман протекторатидаги Дофар аҳолиси қўлга қурол олиб кўп йилдан бери қуллик ва қашшоқликка қарши курашиб келмоқда. Бу курашга Форс қўлтиғини озод қилиш Халқ Фронти бошчилик қилмоқда.

СУРАТДА: Англиянинг босқинчи қўшинлари ва Оман султони ёлланма қўшинларига қарши курашаётган озодлик армияси жангчилари жанговар тайёргарлик машғулотларида.

П. Ежов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/I да **Ёрил тош** (кундузи), **Спартак** (кечқурун), 5/I да **Этик кийган мушук** (кундузи), **Дон Кихот** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 4/I да **Табассум ўғрилари** (кундузи), **Парвоз** (кечқурун), 5/I да **Мирзо Улуғбек** (кундузи), **Олтин девор** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/I да **Лаҳма** (кундузи), **Муқимий** (кечқурун), 5/I да **Менинг жаннатим** (кундузи), **Кумуш тўй** (кечқурун), 6/I да **Лаҳма** (кундузи), **Ажаб савдолар** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/I да **Дийдор**, 5, 6/I да **Оқар сувлар**, 7/I да **Улимларни қолдириб доғда** (спектакллар кундуз соат 12 ва 4 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Катта янги йил томошалари, «ЦИРКДА АРЧА»** (кундуз соат 12, 3 ва 5 яримда).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА — **Муз устида балет томошалари. «КОНЕК ГОРБУНОК»** (кундуз соат 11, 3 ва кеч 6 да).

КИНО

Мен, терговчи... — «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Фарзандлар жангга отланди — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қочиш (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жиноят қидирув инспектори (жуфт соатларда), **Греи Зорба** (тоқ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Шаҳрим юлдузи — «КЎКЧА» (кундуз соат 1, 5 ярим ва кеч 7 да), ҲАМЗА номли (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Кашмирдаги севги (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Россия қалби — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Офицерлар — ҲАМЗА номли кундуз соат 11, 1 ва 3 да).

Ун икки стул — «КЎКЧА» (кундуз соат 3 ва кеч 8.45 минутда).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

4, 9, 14, 18, 22, 28 январь кеч соат 7 яримда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

УЙҒУН

ПАРВОЗ

2 пардали драма.

Сахнага қўювчи — Узбекистон ССР халқ артисти А. О. ГИНЗБУРГ.

Режиссёр — Ҳ. ҚУЧҚОРОВ.

Рассом — Г. БРИМ.

БОШ РОЛЛАРДА: СССР халқ артистлари: С. ЭШОНТУРАЕВА, Н. РАҲИМОВ, О. ХУЖАЕВ; Узбекистон ССР халқ артистлари: Ш. ҚАЮМОВ, С. КАРИМОВА, Э. МАЛИКБОЕВА, З. МУҲАММАДЖОНОВ, Ҳ. НАРИМОНОВ, З. САДРИЕВА, Т. СУЛТОНОВА, С. ТАБИБУЛЛАЕВ, А. ТУРДИЕВ, Ж. ТОЖИЕВ, Қ. ХУЖАЕВ, О. ҲАСАНОВ, М. ЮСУПОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Касса эрталаб соат 10 дан ишлайди.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

«СОЮЗДАРНИ»НИНГ ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бетон ётқизиқлари лаборатория мудири;

лаборатория катта ва кичик илмий ходимлари: ер полотноси, тупроқларни мустаҳкамлаш, тошли материаллари, йўл ётқизиқлари.

Конкурсда фан кандидатлари ва юқори малакали йўл мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — 24 январгача.

ҲУЖЖАТЛАР: Тошкент-ГСП, «40 лет комсомола» кўчаси, 22-уй (телефон 66-09-86) га юборилсин.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА «УЗГОСПРОЕКТ» ЛОИҲА ИНСТИТУТИ 1 январдан бошлаб Узбекистон ССР «Госстрой»ининг ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА «УЗНИИПРОГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО» ЛОИҲА ИНСТИТУТИГА АЛАНТИРИЛДИ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №28, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт —337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 331216, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура—337162, Эълонлар—338142, Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330156, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термез 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4-29-44.